


# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 15-IYUN, shanba № 73 (14564)



## КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Мақтабларда охириги кўнғироқ чалинди. Болажонлар ёзги таътилда мириқиб дам олишмоқда. Лекин мактаб битирувчилари учун олдинда синовлар турибди. Катта довондан — давлат аттестациясидан ўтишлари керак.

Эндигина мактаб кучоғидан чиққан навниҳол ёшлар катталар қаторида туриб, мустақил ҳаётга кираётганини англаб ширин орзулар оғушида. “Ким бўлсам экан?” дея ўйда турган ёшларга тўғри йўлни танлашда ёрдам бериш, ўз ақл-заковатиға, қобилиятиға яраша касб-хунар эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида Ҳаракатнинг Избоскан туман Кенгаши, ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан мактаб битирувчилари ва уларнинг ота-оналари билан очик мулоқот ўтказди. Очик мулоқотда иштирок этган 251 нафар мактаб ва 150 нафар бизнес мактаби битирувчилари, 100 нафар ота-оналар, 51 нафар мактаб директорлари ва тадбирга таклиф этилганлар битирув оқшомларини ўтказишда ортиқча ҳашамларга йўл қўймаслик ва фарзандларни назорат қилишда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш ҳақида ҳам келишиб олдилар.

Мулоқотда туман халқ таълими бўлими мудири Х. Ўтанов сўз олиб, иштирокчиларга бу йилги мактаб

битирувчилари тўғрисида тўлиқ маълумот берди. — Ташхис маркази томонидан мактаб битирувчилари ўртасида ўтказилган сўрономаға асосан жами 251 нафар битирувчилардан 25 нафари АДУға, 22 нафари АТИға, 11 нафари АХХИға ўқишга кириб, ўз билимларини оширишга қарор қилдилар. 49 нафар битирувчи ҳар хил касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттирдилар. 9 нафари ҳарбий билим юртралида, 46 нафари эса уста-шоғирд курсларида ўқишни, 69 нафари халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида ишлаш истагини билдирдилар. Бу йил 9-синфни 4340 нафар ўқувчи тамомламоқда. Уларнинг 431 нафари академик лицейларда, 3909 нафари эса касб-хунар коллежларида ўқиш истагини билдирганлар. — Ҳаётда олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин.

Ҳозирги пайтда вояға етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик кўпайиб кетмоқда. Шунинг учун ота-она фарзанд тарбиясига энг муҳим вазифа деб қараши керак. Бугун фарзандларимиз мактаб кучоғидан чиқиб, ота-она ва маҳалла назоратида қолмоқда. Шунинг учун уларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатларига бефарқ қараб бўлмайди. Айниқса, жойлардаги милиция таянч пункти нозирлари назоратни кучайтиришлари лозим. Ҳеч бир бола эътибордан четда қолмаслиги керак. Қайси касбни танламанг, ўз касбингизнинг фидойиси бўлиб, халқимизга сидқидилдан ҳалол хизмат қилинг. Доимо саводли, иродали, сабрли бўлинг, — дейди тадбирда сўзга чиққан ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Тошбоев. Баҳс давомида кўплаб саволлар ишсизлик ва давлат томонидан иш билан

таъминлаш қандай амалға оширилиши ҳақида бўлди. Бу саволларға ойдинлик кириштиш мақсадида туман меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи О.Эгамов сўз олди. У ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда белгилангандек ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқиға эға эканлиги хусусида гапирди. Аҳолининг айрим тоифалари учун ишға жойлаштиришдаги кўшимча кафолатларига асосан таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар ташкилотлардаги квоталанган иш ўринларига имтиёзли жойлашадилар. Туманда шу кун 30 нафар таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар квота ўринларига жойлаштирилди. Мулоқот кўнгилли яқунланди. Ота-оналар ва битирувчилар ушбу мулоқотни уюштириб, унга нуфузли ташкилот раҳбарларини жалб қилиб, фарзандлар келажаги учун саъй-ҳаракат қилган туман “Камолот”иға миннатдорчилик билдирдилар.

Лола СОАТОВА

## ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилоят Кенгаши томонидан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида 1988-1989 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида анъанавий “Камолот кубоғи” бокс турнири ўтказилди.

Унда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларидан, ҳамда кўшни Қирғизистон Республикасидан ташриф буюрган жами 164 нафар ёш боксчилар қатнашди. Ёш спортчилар 18 та вазн тоифаси бўйича қизгин баҳс олиб бордилар.

Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Тихиташ шаҳар Кенгаши ташаббуси билан 2-мактаб ўқувчиларининг ҳарбий қисмға экскурсияси ташкил қилинди. Бунда ўқувчи ёшлар аскарларнинг яшаш тарзи, хизмат бурчларини қандай ўтаётганликлари билан танишдилар. Тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Ўразбой МАТЧОНОВ

## РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

### СПИДГА ЧАЛИНГАНЛИКНИ ҚАНДАЙ АЙТА ОЛАСИЗ?

Сиз одамға қараб туриб, унинг СПИД (ОИТС)ға чалинганлигини ёки ИИВ вируси билан зарарланганлигини айтиб бера олмайсиз. ИИВ нима? ИИВ — инсон иммунотанқислик вируси. У иммун тезлигиға ҳужум қилади, бунинг натижасида ИИВ вируси бўлган инсон соғлом киши каби касалликларға қарши кураша олмайди. Киши қонини текшириш орқали ИИВ мавжудлигини аниқлаш мумкин. ИИВ вируси қон таркибида мавжудлигининг ўзи ҳам ОИТСға чалинган, дегани эмас. Бу фақат шу кишининг ИИВ инфекциясини юқтирганини билдиради. ИИВ бошланғич инфекцияларига эға бўлиб, ОИТСға учраган ҳам бўлиши мумкин.

#### Ҳурматли муштарий!

Ушбу мавзу юзасидан билдирилган энг яхши таклиф, мулоҳаза, саволлар репродуктив саломатлик маркази томонидан видеомагнитофон мукофоти билан тақдирланади.

Мурожаат учун телефон: 136-54-62

### ҲАМКОРЛИК МУСТАҲҚАМЛАНАДИ, ҚАЧОНКИ...

Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро жамоатчилик Маркази мажлислар залида Адриан Стрейнинг “Ўзбекистон Республикасининг Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларға аъзо давлатлар ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим” лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

— Битим бир қатор “жиддий шартлар”ға: халқаро ва инсон ҳуқуқларининг демократик нормалари, шунингдек бозор иқтисодиёти тамойил-

лариға асосланган, — дейди Тасис лойиҳа муаллифи А. Стрейн.

Қизгин ўтган баҳс-мунозарадан сўнг ҳар икки томоннинг тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашға тарафдор эканлиги яна бир бор эътироф этилди.

Зеро, тақдим этилган лойиҳа Ўзбекистон ва Европанинг очик халқаро тизимға янада изчил равишда интеграциялашуви учун зарур шароитлар яратади.

Зиёда АШУРОВА

## ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ



Ҳар ўқув йили тугамасданок, лагерға бориш тараддудига тушадиган сирдарёлик болажонлар бу йил негадир шошилмаяпти, аниқроғи, олисдаги гўшаларға боришни кўп ҳам хоҳламай қолишди. Дилбандлари учун элбурутдан йўланмалар олиб қўйишган ота - оналар уларни кўндиролмай хуноб.

Хўш, болалардаги бу ғалати ўзгаришнинг сабаблари нимада экан. Сабаби шундаки вилоят марказидаги, тўғрироғи Гулистон шаҳридаги “Эртақлар шаҳарчаси” бунёд этилиб, эртаксевар болажонларни ўз бағриға чорлай бошлади.

... Мўъжазгина паравоз саккизта вагончани тортганча олиб бормоқда. Иккинчи вагонда тўққиз ёшли Санжар билан унинг сингиси беш ёшли Гулноза ҳам ўтиришибди. Мана поезд оғзидан олов эмас, сув пуркаб турган аждаҳоға яқинлашди. Гулноза кўрқиб кетди:

“Ҳозир шалаббо бўламиз, эсизгина яп - янги кўйлагим..”

Йўқ, бундай бўлмади... “Эртақлар шаҳарчасида” шу каби ажойиботлар жуда кўп. Болалар лагерға борадими, йўқми - билмадигу, бир нарсани аниқ айта оламиз; Гулистон шаҳар истироҳат ва дам олиш боғи бағриға жойлашган “Эртақлар шаҳарчаси” республикамиз вилоятлари ичида биринчидир.

Нафақат, Сирдарё, балки кўшни вилоятлар болалари учун ҳам сеvimли бўлиб қолган бу сеҳрли маскан ҳашар йўли билан бунёд этилган.

Суратларда: “Эртақлар шаҳарчаси”дан лавҳалар Б.ТўРАЕВ олган суратлар

## ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШГАНДА...

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Муллауёчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида “Ҳамишира-2002” кўриктанловини ўтказишди. Танловнинг финал босқичида тиббиётчилар ичидан саралаб олинган тўққиз нафар ҳамшира сахнада истеъдодларини намойиш қилишди.

Айниқса, Шаҳрисабз туман марказий шифохонасининг кардиология бўлими ҳамшираси Гулбарчин Эргашева, Қарши шаҳар болалар стоматология шифохонаси ҳамшираси Нарғиза Воҳидова, вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг ҳамшираси Шоҳиста Мансуроваларнинг сахнада ўзини эркин тутиб, кўшиқ ва рақсларни маромига етказиб ижро этаётганликлари, ижодкорлик ва топқирлиги томошабинларни қойил қолдирди, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири Жаббор Кенжаев. — Бундай тадбирлар шифокор ва ҳамшираларимизнинг жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширади, албатта.

Файзулла ЭШКУЛОВ

Bugunning saboqlari

# БИЛЬЯРД

## ФАҚАТ КЎНГИЛХУШЛИКМИ ЁКИ..

Кўчада кета туриб, бехосдан қулоғингизга "шарақ-шурук" овози эшитилиб қолса, ажаблан-маслигингиз табиий. Демак, шу яқин орада ёшларимиз ҳозир севиб ўйнайдиган бильярдхона бор. Лекин кўнгилхушлик воситаси ҳисобланган бильярд бизнинг тарбиямизга қанчалик таъсир кўрсатади-ю, эндигина катта ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг кейинги фаолиятларини белгилашда қандай аҳамиятга эга?

Кўнгилхушлик тушунчасини кўпчилик маданий ҳордиқ, деб талқин қилади. Аслида ҳам шундаймикин? Кунини бильярдхонада ўтказиб ўйнаётган ёш-яланлар бунга қандай тушунарлик? Ахир, бир ўйлаб кўринг, бу соққани бир соат юмалатиш 800-1000 сўм турса, бунга кўнгилхушлик деб бўладими? Яна бу ўйинни асосан ота-онаси қарамоғида бўлган ёшлар ўйнашса. Майли, агар чўнтагида пули бўлса, қандини урсин. Лекин пули бўлмасдан туриб, кунига икки-уч соат ўйнаб турса, натижада "қулоғи"гача қарзга ботиб қолса, буёғи неча пулдан тушади. Келинг, масаланинг

молиявий томонини кўйиб турайлиги, унинг ёшлар маънавиятига етказиб берилган таъсирини бир мушоҳада қилиб кўрайлик.

Одам 17-18 ёшга етгач, ўта қизиққон бўлиб қолади ва шу билан бирга келажак учун асосий пойдеворини қўя бошлайди. Шунинг учун ёшларга ота-оналар томонидан бу даврда кўпроқ эътибор талаб қилинади.

Агар ўсмирга шу даврда сўраган вақтида ўзи хоҳлаганча пул берилверса, бу оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бильярдхонада ўсмир узукун ўйин билан машғул бўлади, деганлар адашади. У бора-бора ўйиндан қониқмай қолади, натижада эса кўнгли бошқача "ўйин"ларни тусаб қолади. Эшитишимизча, айрим ўсмирлар ўртага пул ҳам тикиб ўйнашар экан. Демак, бугун пули бор вақтида, пул тиккан ўсмир эртага пулсиз бўлиб қолганда яна нимани тикишини эса



А. ХАКИМОВ чизган расм

ўйлаб кўраверинг. Оқибатда ўсмир учун ҳаётда яшашдан мақсад бильярд ўйнаш бўлиб қолиши мумкин. Бильярд ўсмир учун шунчалик катта аҳамиятга эга бўлиб қоладики, энди у соққохонани тарк этса, ниманидир йўқотгандай. Демак, ўтмишдаги қиморбозлар, бизнинг ҳаётимизга янгича бильярдбоз номи остида кириб келаётгандек. Ўқитувчиси, ота-онасининг

кўзини шамғалат қилиб дарсдан, уйдаги юмушлардан қочиб, "соққа жинниси"га айланиб қолаётган ўсмирларнинг қиморбозлардан қандай фарқи бор?

Энди бир ўйлаб кўрайлик. Бильярд ҳаётимизга кириб келганига мана бир неча йил бўлди. Лекин вақти келгач, бу ўйин ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқармайди, деб ким кафолат беради? Албатта, бу фикрларимиз барча ёшларга тегишли эмас. Бильярдни эндигина ўйнай бошлаган ёшлар ҳам унинг салбий ҳолатларини олдиндан кўра олсалар яши бўларди.

Бу билан биз бильярд ўйнаманглар, у зарарли иллат дейишдан йироқмиз. Фақат ҳар бир нарсани, ҳар бир ўйинни чек-чегараси бўлади. Биз фақат шуни тарафдоримиз, холос. Зеро, бильярд кўнгилини хушловчи ўйин экан, шундайлигича қолсин. Токи, у бошқача маънодаги "кўнгилхушлик"ка айланиб кетмасин.

Бехзод БОЗОРОВ

## ҚИЗЛАР ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРМИ?

Навоий вилоятидаги нодавлат-нотижорат марказлар томонидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Айтиш жоизки, 2000-2002 йиллар давомида вилоятда 18 та марказ тузилиб, Адлия бошқармаси рўйхатидан ўтказилди. Ҳозирда "Умида", "Эъзоз", "Мафтуна", "Зебуннисо", "Тумарис", "Мурувват" каби марказлар хотин-қизларга ўз ҳуқуқини ҳимоялашда, ногирон ва ёлғиз аёллар ва ўсмир қизларнинг касб-хунар ўрганишларида кўмаклашиб, улар учун бепул ўқиш курслари ҳамда тўғарақлар ташкил этишган.

— Ҳатто, тушкун ҳолатларга тушиб қолган аёл ва ўсмирлар билан юзма-юз гаплашиб, уларга психологик, юридик ва тиббий-гинекологик маслаҳатлар бериб келмоқдамиз, дейди "Умида" маркази раҳбари Гулчеҳра Норкулова.

Ҳозирги кунда бу нодавлат-нотижорат ташкилотлари қошида компьютер саводхонлиги, инглиз тилини ўрганиш бепул ўқув курслари ҳамда зардушлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлик, каштачилик ва бола ўйинчоқларини ясаш бўйича тўғарақлар ташкил этилган.

Моҳинисо ПҮЛАТОВА

## ЭЪЛОН

2002 йил 18 июнь сешанба кунини соат 11 да Миллий матбуот марказида шакл ва мазмун жиҳатдан янгиланган "ГУЛИСТОН" журналининг тақдимот маросими бўлиб ўтади. Маънавият ва матбуот жонқуярлари, ихлосмандлар тадбирга таклиф этилади.

(Манзил: Навоий кўчаси, 16-уй, Миллий матбуот маркази).

## Tadqiqot va tahlil

Қишлоқ хўжалиги тармоғи мамлакатимизда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан ортиқ қисмини яратиши билан бирга шаклланаётган эркин валюта тушумининг қарийб 50-55 фоизини таъминламоқда. Қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлган аҳоли қатлами меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоизидан ортигини ташкил этган бир шароитда, у ерда истиқомат қилаётган аҳоли, умумий аҳолининг 63 фоизини ташкил этади.

Табиатан қишлоқ инфратузилмаси таркиби ранг-барангдир. Лекин шуларнинг ичида устувор аҳамият касб

этадиган тез ва қисқа вақтларда ҳал этилиши лозим бўлган йўналишлар, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва иссиқлик энергияси, табиий газ билан таъминлаш ҳисобланади.

Агар республикамиз қишлоқлари ичимлик суви ва табиий газ йўналиши бўйича таъминланганлигини таҳлил қиладиган бўлсак, манзара куйидагича бўлган. Мустақилликка эришгунга қадар, яъни, 1990 йил ҳолати бўйича қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси бор-йўғи 52,0 фоизни ташкил этган бир вақтда, табиий газ билан таъминланганлик даражаси ҳам худди шундай бўлиб, фақатгина 17,6 фоизда бўлган. Рақамлардан шу нарса-

ни илғаб олиш мумкинки, минтақада тоза ичимлик суви билан таъминланганининг бундай паст кўрсаткичда бўлишини оқлаб бўлмайди.

Хусусан, ўтган ўн йил давомида республикада қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 1,4 баробарга ошиб ёки 72,3 фоиз

нинг пасайиб кетиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Бунга бош сабаб улардан фойдаланувчи истеъмолчилар кўп ҳолларда айрим лоқайдликларга ён бермоқдалар. Чунки, айрим сув оқиш жўмрақларида ичимлик сувининг тўхтовсиз оқиб турганини бир неча бор гувоҳи бўлганмиз. Шунингдек, қиш мавсумида табиий газдан хонадонларда ноқонуний фойдаланувчилар ҳам учраб туради.

Келажакда мавжуд табиий ресурслардан тежамкорлик ва самарали фойдаланишни тўғри йўлга қўймаслик қишлоқ инфратузилмасини жаҳон андозаларига мос равишда ўз вақтида ва тўлиқлигича таъминлаш имконияти чекланади. Бизнинг фикримизча, агар хонадонлар табиий газ ва ичимлик сувига ўлчаслик мосламаларини урнатган ҳолда улардан фойдаланишни ташкил этсалар, уларни вақтинчалик молиявий имтиёзлар билан қўллаб-қувватлаш лозим. Республика миқёсида қишлоқ аҳолиси тўлиқ ўлчаслик билан таъминлангандан кейин, тўлов тизимидаги молиявий имтиёзларга барҳам бериб, сув ва газни истеъмол қилишига қараб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўткир РАХИМОВ

## ЁШ РАҲБАР — ЕТАКЛОВЧИ

Бугунги кунда юртимизда ёш раҳбар кадрларга катта эътибор қаратилаётгани шубҳасиз эртанги тараққиётга мустақкам замин ҳозирлайди. Шу жиҳатдан олганда эндиги вазифа ёшлар орасидан ана шу соҳага лойиқ ёшларни тўғри танлай билишга қаратилгани лозим.

Улуғ аллома Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шаҳри" китобида инсон такомилни тўрт босқичга ажратади. Биринчи босқичда инсон қалби гўё ўрмон бўлиб, унда газаб, ёлғон ва жаҳолат ҳукмрон бўлади. Комиллик йўлига киришга аҳд қилган инсон ўзини-ўзи англашга қатъий уринмоғи зарур.

Шу йўлда тинимсиз меҳнат қилиб, инсон ўз такомилнинг иккинчи босқичига қадам қўяди. Бу даврга келиб у ўз ҳаётида тинимсиз меҳнат қилиш, ўзини тия билиш ва адолатни асосий мезонга айлантиради.

Инсон такомилнинг учинчи даври ижодий давр бўлиб, унда мустақкам билимлар билан бирга эътиқод, ўзгаларни тушуниш ва демокки, муҳаббат устувор мавқе касб этади.

Инсон комиллик сари интилар экан, ўз такомилнинг тўртинчи даврида донолик, файласуфлик мақомига эришади. Энди бу даврда унинг адолати ва муҳаббати ҳам мукамал даражага этади. Муҳими, у нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам бахт-саодатга етаклай олади.

Кўриниб турибдики, Форобий

## Тараққиёт сари дадил юриш унга боғлиқ

комилликка етган одамлар раҳбар бўлишини таъкидлайди, раҳбарликни эса "одамларни бахт-саодатга етаклаш" қобилияти деб баҳолайди. Чунки, раҳбарлик доноликнинг ҳокимият билан мутаносиб равишда уйғунлашуви бўлиб, айнан шу ҳолат юз бергандагина, мутафаккирнинг фикрига кўра, одамларни, жамоани чинакамига бахт-саодатга етаклаш мумкин. Шунга қодир инсон чинакамига раҳбар ва етакчи бўла олади.

Доимо халқ эътиборида бўлиш юксак ғоявий кучни, маънавий баркамолликни талаб этади. Шўҳратпарастлик ва таъмағирликдан ҳоли бўлиб, манманлигу бошқаларни менсимаслик иллатидан озод бўлган мансабдоргина ўзида ана шундай уйғунликни қарор топтира олади. Бунинг учун раҳбар ўз устида тинимсиз ишлаши, ғоявий жиҳатдан такомиллашиб бориши зарур. Шу такомил баробарида раҳбар ўзига ва бошқаларга нисбатан ҳушомадгўйликдан ва дабдабозликдан қутулади, нафсини тийиб, инсоф йўлига қиради. Энг муҳими, у садоқат билан фаолият кўрсатади. Ўз атрофида, жамоасида соғлом маънавий муҳит яратади. Бу муҳитда эса бошқаларни ҳам ғоявий жиҳатдан тарбиялай олади. Бундай раҳбарлар қанча кўпайса, миллий истиқлол ғоясини ҳаётга жорий қилишда шунча катта муваффақиятларга эришамиз.


Акрамжон АБДУЛЛАЕВ

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ 2002

## ФИФА - ДУНЁ ФУТБОЛИ ЎЗАГИ

Айни пайтда бутун дунё футбол ишқибозларининг диққат марказида турган футбол бўйича XVII жаҳон чемпионати мусобақалари мана салкам бир асрки, узлуксиз равишда ўтказилиб келинмоқда. Худди мана шундай яшил майдонларда ўтказиладиган учрашувларнинг ташкилотчиси ФИФА, яъни Халқаро Футбол Федерациясига 1904 йилнинг 21 майида асос солинганлиги кўпчиликка маълумдир. Ўшанда бундай федерация тузиш гоёсини икки француз футбол мутахассиси — Жюль Риме ва Анри Деланлар ишлаб чиқишган. Дастлаб йирик футбол учрашувлари фақат олимпия ўйинлари вақтида ўтказиларди, холос. 1924 йилдан Олимпия ўйинларидан ажратилиб, ФИФА ихтиёрига топширилади. 1927 йилда ФИФАнинг фахрий президенти этиб Жюль Риме тайинланади. Ҳозирги кунда эса халқаро футбол федерациясининг президенти сифатида швейцариялик Йозеф Блаттер фаолият кўрсатмоқда. ФИФА таркибида деярли дунёнинг барча қитъаларидаги давлатларнинг футбол жамоалари мавжуд. Молиявий масалаларнинг барчасини ФИФА ўз бўйига олган ва шу сабабдан ҳам у дунё футболнинг ягона ўзаги ҳисобланади.

жаҳон чемпионатида иш-тирок этаётган барча давлатлар футбол жамоаларининг мақсади ягона — у ҳам бўлса, Жаҳон кубогини қўлга киритишдир. Худди мана шу кубокнинг энг биринчи нусхаси бундан 16 чемпионат илгари ясалган бўлиб, у парижлик заргар Абель Лафлер ижодига мансуб. Унда қадимги грекларда муваффақиятлар худоси ҳисобланмиш Никанинг ҳайкали акс эттирилган.



Олтиндан ишланган, баландлиги 30 см, оғирлиги 1,8 килограммни ташкил этган бу кубок 1930 йилда футбол бўйича ўтказилган дастлабки ЖЧнинг голиби — Уругвай терма жамоасига насиб қилган. Ҳозирги кундаги жаҳон кубогининг кўриниши эса бироз бошқача бўлиб, у 1974 йилда италиялик заргар Сильвио Газзанинг ижодига мансуб бўлиб оғирлиги 4970 граммни

Лекин 2006 йилги XVIII-жаҳон чемпионати Германияда ўтказилиши, XVII-Жаҳон чемпионати бошланмасданок аниқ бўлган. Буни ФИФА президенти Йозеф Блаттер овозлар сонига кўра маълум қилганди. Шундан сўнг кейинги футбол чемпионатлари қайси давлатда бўлиши ҳам аста-секин аниқ бўлади. Яна шу нарса аниқки, 2030 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати Уругвайнинг "Сентенарио" ("100 йиллик майдон") футбол майдонида бўлиб ўтади. ФИФА президенти Йозеф Блаттернинг фикрига кўра, 1930 йили Уругвайда бўлган биринчи жаҳон чемпионатининг 100 ёшини ҳам айнан Уругвай стадионларида нишонланиса, мақсадга мувофиқ бўлар экан.

### 2030 ЙИЛГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ УРУГВАЙДА

Футбол бўйича жаҳон чемпионатини ўз худудида ўтказилишини орзу қилган давлатлар сони чексиздир. Лекин бунга ҳамма ҳам эришавермайди. ФИФА ўтказган сайловларгина буни ҳал қилади.

ЭНГ ЗЎР ЎНТАЛИК Интернетдан



Рустам СУЛАЙМОНОВ

ЖАҲОН КУБОГИ  
Маълумки, футбол бўйича XVII

олинган маълумотларга қараганда, Жанубий Корея ва Япониядаги футбол учрашувларини томоша қилишга келган "фанатлар" орасида сўровнома ўтказилган. Ундан мақсад, ҳозирги кунга қадар ўтказилган учрашувларда энг яхши ўйин кўрсатган футболчиларни аниқлаш эди. Сўровнома натижаларига кўра, қуйидаги 10 нафар энг машҳур футболчилар ишқибозлар эътиборини қозонишган.

1. Рональдо (Интер-Италия) — Бразилия, ҳужумчи
2. Ривальдо (Барселона-Испания) — Бразилия, ҳужумчи
3. Роберто Карлос (Реал-Испания) — Бразилия, ҳимоячи
4. Зинеддин Зидан (Реал-Испания) — Франция, ярим ҳимоячи
5. Луиш Фигу (Реал-Испания) — Португалия, ярим ҳимоячи
6. Раул Гонсалес (Реал-Испания) — Испания, ҳужумчи
7. Дэвид Бекхэм (Манчестер Юнайтед — Англия) — Англия, ярим ҳимоячи
8. Майкл Оуэн (Ливерпуль-Англия) — Англия, ҳужумчи
9. Кристиан Виери (Интер-Италия) — Италия, ҳужумчи
10. Баллак (Байер-Германия) — Германия, ярим ҳимоячи.

## Фахр АБИТУРИЕНТ ХОРИЖ ТИЛИНИ БИЛСА АГАР...

Мана, йигирма олти йилдирки, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 9-мактабда инглиз тилидан сабоқ бериб келаман. Мустақиллик, озодликнинг моҳиятини теран англашимга мактаб сабаб бўлди, десам янглишмайман. Ахир, кечагина ўқувчилар инглиз тилини номигагина, шунда ҳам олий ўқув юртига киришда бирор хорижий тилдан имтиҳон топшириш шартлиги учун ўрганишарди. Ростки, улар тўти кушдек, ёдлаб олишиб, такрорлашар, омади келиб талаба бўлса, унутиб юборишарди. Чунки, хориж тили келажак ҳаётда керак бўлмасди. Бугун-чи, барча баробар ўз ихтиёри, хоҳиши билан хорижий тилларни ўрганишмоқда. Чунки, техника тараққиёти асрида хориж тилини билмасдан ўта замонавий техник жиҳозларни ўзлаштириш, бошқариш мушкул.

Мамлакатимиз иқтисодида замонавий иқтисод-

лилар мактаблари, лицейлар, коллежлар курилаяпти. Барчасида компьютер, лингафон ва бошқа амалиёт қўлланмалари билан жиҳозланган синф хоналари мавжуд. Мактабларда ҳам мавжуд техник жиҳозлардан тўғри фойдаланиш дастурини ўзлаштириш лозим.


Олий ўқув юртига ҳужжат топширганлар кириш имтиҳонларини — тест синовларини компьютерда бажариши бугунги ўқувчилардан юқори билим, жаҳон андозаларидан хабардорликни талаб этади.

Усмир ёшлар ўзларига юкланаётган масъулиятни англаган ҳолда тиришқоқлик билан илм ўрганишаётгани барча устозлар қатори мени ҳам қувонтиради. Бугунги абитуриент мамлакатимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муҳим жой олиши учун етук кадрлар бўлиб етиштиришга интилиб яшаши, уларнинг илм олишга чанқоқлигидан ҳам сезилиб туради. Дунёда богбон учун эккан

дарахтининг ҳосилини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак. Мен ўз ўқувчиларимни ҳаммиша илм эгаллашга, бирор касбнинг етук мутахассиси бўлиб етиштиришга, энг асосийси, элга, юртга садоқатли хизмат қилишга ундаб келаман. Чунки, шу Ватан, шу замин ўзимизники экан, унинг тараққиёти ҳам ўз қўлимизда эканлигини англаб яшашимиз шарт. Ахир бирор хорижий давлатга сафар қилган чоғимизда хорижликларнинг булар тараққиёти парвар Ўзбекистондан, деган гапларини эшитиш ҳар биримизни гурурлантиради.

Бугунги ёшлар юракларга гурур туйғусини солгувчи келажак авлодларимиздир.

Бозор ХУШБОҚОВ



Табиат мўъжизаси

Иқтидорли ёш мўйқалам соҳиби Анаркул Бойбеков эндигина 36 баҳорни қаршилаган. Унинг асарлари ҳозирда Буюк Британия, Россия, Туркия, Германия, Франция ва АҚШ каби мамлакатларда яшовчи санъат шайдоларининг шахсий коллекцияларидан ўрин олган.

Яқинда Ҳиндистон маданият марказида рассомнинг илк кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада ўттиздан ортиқ акварель ва мейбўёқда ишланган асарлар намоиш этилди.

Тасвирий санъатда рассом оний лаҳза ичидаги ҳолат ва манзаранинг кўриниши ҳамда қиёфанинг суратини тасвирлайди. Бу, албатта, илк қарашда тугиладиган тасаввур. Аслида суратда ифодаланган лаҳза ўзида ўтмишни, ҳозирни ва келажакни рангин бўёқлар орқали мужассамлаштиради. Асарлардан таъсирланиш, уни хаёл кўзи билан қанчалик батафсил ўқиш ва ўқиш ҳар кимнинг мушоҳадасига боглиқдир.

Романтик ва таъсирчан табиатни шоирона тасвирлаш Анаркул услубига хос. У лирик жанр ижодкори. А.Бойбековнинг сўнгги йилларда яратган "Ойдин кеча", "Баҳор тонги", "Шом", "Сирдарё", "Ёмғирдан сўнг", "Сирдарё бўйида" каби асарлари юқоридаги фикримизнинг далили. Оҳангдорлик, ранг-

дорлик, тасвир сатҳига ўзига хос ишлов бериш манзаралар тасвирни янада кучайтиради.

— "Табиатни рангин бўёқлар орқали ифодалашимда мен илк маротаба И.Левитаннинг "Оқ қайинлар", "Урмон" каби асарларидан илҳомланганман. Бу

эса мени она диёр манзараларини чизишга ундади", - дейди рассом.

Кейинчалик у Ўзбекистон Халқ

## ТАБИАТНИНГ РАНГИН БЎЁҚЛАРИ

рассомлари Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков ҳамда унга бевосита мураббийлик қилган Ваҳоб Зияевлардан тасвирий санъат сирларини ўрганди ва ўрганмоқда.

— Мен Тошкентда икки йилдан бери яшайман. Бизнинг марказда ана шундай кўргазманинг илк бор очилишидир, - дейди биз билан суҳбатда Ҳиндистон маданият маркази директори жаноб Жозеф Винсент Лобо. — Мен ёш рассомнинг чизган табиат манзараларини кўриб жонанжон Ҳиндистоним табиати, ўз диёрим ёдимга тушди. Бу эса Ўзбекистон ва Ҳиндистон табиати бир-бирига ўхшашлигидан далолат беради. Ўйлайманки, рассом ўз асарлари билан жонанжон диёримга иждоий сафар уюштиради. Унинг яратажак кейинги ишларида Ҳиндистон юртининг меҳнаткаш инсонлари, табиати ўз ифодасини топади.

Дилдора ТОИРОВА,  
«Turkiston» муҳбири

## ГУРЛАН

### ЁШЛАРИНИНГ ТАЯНЧИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Гурлан тумани Кенгаши томонидан шу кунгача 35 та бошланғич ташкилоти тузилган. Аъзолар сони эса 16017 кишини ташкил этади.

— Режа асосида тадбирлар ўтказмоқдамиз, - дейди туман Кенгаши раиси Ғофур Рустамов. — "Энг яхши ҳамшира", "Биз онам билан кўп қизиқарли китоблар ўқиймиз" танловлари ва "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси, "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Шунқорлар", "Зинама-зина" каби интеллектуал ўйинлар шулар жумласидандир.

Умид БЕКМУҲАММАД

Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2002 йил 19, 26 июль, 2, 9, 16, 23, 30 август, 6, 13, 20, 27 сентябр кунлари соат 10-00да ким ошди савдолари ўтказди.

Савдоларга Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Буюк Турон кўчасида жойлашган, ҳар бирининг майдони 10 кв.м.гача бўлган 50 та ёр участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилади. Бошланғич нархи 3 млн. сўм.

Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш ким ошди савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18-00да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорда гаров пули тўлашлари шарт.

Ким ошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.

Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 249-мактаб томонидан 1994 йилда Долимова Нозимахон Шамсиевна номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги А №4160003 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Тошкент Молия институти қошидаги бизнес мактаб томонидан 2000 йилда Тиллаева Мунира Акбаровнага берилган №003094 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

## НАҲОТ, СИЗНИ БОШҚА КЎРМАСАМ

Одатда кўп қизлар кундалик дафтар тутишади. Унга ҳар кунги бўлиб ўтган воқеаларни, тасодифларни ва дил сўзларини ёзиб қўйишади. Севган ёрларига атаб шеърлар битишади. Мана шундай мақсадларни кўзда тутиб, кундалик тутган дугонанинг дафтари қўлимга тушди. Уни варақлар эканман, дугонанинг дил сўзлари, муҳаббатга ташна қалби, ўзига яраша гўзал дунёси борлигини ҳис этдим.

“Энди сизсиз яшамоқ нақадар оғир. Сиз эса энди ортга қайтмайсиз. Сизга бахт тилаб қоламан. Хайрлашмоқ лаҳзалари қанчалар оғир. Сиз билан ўтказган дамларим гарчанд қисқа бўлса-да, ўша сурурли лаҳзалар бир умр қалбимда муҳрланиб қолади. Ҳар гал суҳбатлашаётганимда сўзларингизни тинглаб юрагимнинг яралари малҳам топгандай бўларди.

Ҳар кун ўқишдан қайтаётиб, сиз билан учрашган бекатдан ўтиб кетаман. Шунда беихтиёр кўзларим ўша довдарахтлар орасидан сизнинг изларингизни ахтаради. Сизни учратиб қоладигандек ён-атрофга олазarak назар ташлайман. Ўша биз биринчи марта учрашган “Улуғбек” боғи мен учун қадрли боғ бўлиб қолди. Ахир, сиз ҳам бу боққа кўп келар эдингиз-ку.

...Ўша кунги учрашувимиз наҳот, энди сўнгисини бўлса?! Кўзларимга узоқ термулиб, “Мени уйдагилар унаштириб қўйишди. Уларга қарши чиқолмадим. Мени кечиринг”, деган сўзларингиз ҳамон қулоқларим остидан кетмайди. Сиз мен билан одатдагидек хайрлашдингиз. Билмадим, энди мен яна сиз билан учрашиш, сизнинг дийдорингизга тўйиш бахтига муяссар бўла олармиканман? Билмадим, балки сиз ҳам мени кўришни истагандирсиз. Нима бўлганда ҳам, мен сизни жондан севиб қолган эканман. Ҳеч унутолмаяпман”.

Гулистон СОДИКОВА



## СЕВГИ САРОБИ

Шу пайтгача севги ҳақида сўз очилганда, албатта, унга қарши фикр билдирардим. Нима учунлигини билмадим-у, аммо ҳаётда соф, ҳақиқий муҳаббат йўқдек туюлаверарди. Ўзим бу туйғуга асир бўлдим-у...

Ўн етти ёшимда Озод исмли бир йигит билан танишиб қолдим. Муносабатимиз севгига айланди. Кейинчалик ўзим ҳам уни севиб қолганимни англадим. Шу тариқа у билан учрашиб юрдик. У фақат мени севишини ва менга уйланишини такрор-такрор айтар, мени ишонтиришга ҳаракат қилар эди. Бунга эришди ҳам. Мен унга бутун борлигим билан ишондим. Усиз яшаш-

ни тасаввур ҳам қила олмасдим. Ёшлиқнинг оловли ҳис-туйғулари аро борган сари бир-биримизга яқинроқ муносабатда бўлардик. Афсуски, ой ҳам тиниқ эмас, юзидаги доғи туфайли изтироб чекар экан. Кейинги пайтларда у жуда ҳам ўзгариб қолди. Мендан ўзини олиб қочадиган, саволларимга кўрс жавоб қайтармаган бўлди. Ана шундай кунларнинг бирида у кўзларимга тик боқиб:

“Мен сени севмайман, шунчаки эрмак қилиб юргандим, яхши қол, уйланадиган қизим бор, у менга жуда ёқиб қолди”, дея жавобимни ҳам кутмай кетди. Қулоқларимга ишонмасдим. Мана сизга ишқ найрангла-ри. Ўзимни йиғидан тўхтатолмасдим. Нега ундай қилди? Балки бирор айбим бордир? Бунинг сабабини тушунолмай овора-ман. Наҳотки, шунча берган ваъдалар, севги изҳорлари ҳамма-ҳаммаси сохта бўлса?

СУРАЙЁ,  
Сирдарё вилояти

## УНДАН АЙРИЛИШДАН ҚЎРҚАМАН

Маҳалламиздаги икки йигит уйимизга совчи жўнатишмоқчи. Кўнглим алланечук бўлиб кетаяпти. Рост-да, ҳаяжонланмай бўладими? Дугоналаримнинг ҳавас қилишганини кўрсангиз...

Бу йигитларнинг биронтасига кўнглим йўқ. Мен бошқа йигитни ёқтираман. Мен у билан топишганимда 16 ёшга кирмагандим. У туфайли қалбимда илк бор севги куртаклари қанот ёзди. Мана тўрт йилдирки, бир-биримизни севамиз. Бу йиллар орасида қанчадан-қанча гап-сўзлар бўлмади, дейсиз. Гап-сўзларга эътибор бермай, янада бир-биримизни қаттиқроқ сева бошладик.

Ниҳоят, у бизнига совчилар юборди. Аммо уйдагиларим совчиларни умидсиз қайтаришди.

У биздан анча узоқда яшайди. Орадаги масофа узоқ бўлса-да, қалбимиз жуда яқин. Совчиларнинг ноумид бўлиб қайтганини билган маҳалламиздаги бошқа “ошиқ”лар уз “отларини” қамчилашга интилишяпти.

Мен қандай йўл тутай? Нима қилай? Ота-онамга ҳар қанча тушунтиришга уринмай, бунинг фойдаси бўлмаяпти. Ундан бошқага турмушга чиқишни хаёлимга ҳам келтиролмайман. Биз қасам ичганмиз. Қасамни бузишни истамайман.

Ота-онамнинг айтишича, мен аҳд-паймон қилган йигит қамбағал эмиш. Наҳотки, қамбағаллик айб бўлса? Дангиллама уйда яшаб бахтсиз бўлгандан кўра, ўз севганимга тегиб бахтли бўлган яхши. Бундай бойликни кимга кераги бор. Мен аросатда қолдим. Ўзимни бир нарса қилиб қўйишдан қўрқаман. Мени ҳаётда сақлаб турган нарса менинг унга, унинг менга бўлган муҳаббатидир.

ДИЛНОЗА

## «ДЕНГИЗ ДЕВИ» АФСОНАМИ ЁКИ ҲАҚИҚАТ?

Ҳаётимиз сиру синоатга тўла. Инсонни ҳалигача лол қолдириб, ўйга толдирадиган мўъжизалар талайгина. Кўпчилигимиз ойнаи жаҳон орқали “Одам-Амфибия” фильмини зўр қизиқиш билан томоша қилганмиз. Ундаги ғайритабиий воқеалар қанчалар сирли туюлмасин, айнан бизнинг ҳаётимизда содир бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Қуйида хориж матбуотидан олинган айрим манбалардан бири билан танишиб чиққандан сўнг, ўзингиз хулоса чиқаришингиз мумкин.

Жанубий Камерунда бўлиб ўтган воқеа орадан етмиш йил ўтибдики, оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Унга кўра, кунларнинг бирида маҳаллий полиция сержанти Мбибо вилоятига бориб келгач, айрим қишлоқларда яшовчи африкаликлар солиқ тўлашни истамаётганини округ офицерига айтади. Эртаси кун улар биргалликда ўша қишлоққа боришади. Аммо қишлоқда... ҳеч ким бўлмайди.

Ҳайратга тушган офицер ҳамда сержант ҳамма жойни қидириб одамларни топишолмади. Улар охири сўқмоқ бўйлаб дарё томонга юрадилар. У ерда қайиқлар тўхтайдиган жой ҳам йўқ эди. Жарлик тепасидан кўм-кўк сувнинг туби бемалол кўриниб турарди. Офицер жар ёқасига келиб энгашганча пастга қаради ва сув остида қишлоқ аҳолисини — эркалар, аёллар, болаларни кўрди. Уларнинг барчаси қимирламай ўтирар, худди ухлайтгандек кўринарди. Қизиғи

шундаки, ёнларидаги саватларда итлар ётарди... Дарёнинг чуқурлиги эса 2,5 метрдан кам эмас эди.

Офицер ўз одамлари билан сув остига тушиб, одамларни юқорига чиқармоқчи бўлди. Аммо ҳеч ким “уйғонмади”. Кейинчалик бу ерга яна ташриф буюрганлар қишлоқ аҳли соғ-саломат, қуруқликда ўз ишлари билан банд эканликларини кўришди.

Бу воқеа талайгина саволларни келтириб чиқариши табиий. Яъни, бутун қишлоқ аҳолиси бир ой қандай қилиб сув остида яшаши мумкин? Ахир, энг тажрибали ғаввослар ҳам сув остида 10-12 дақиқадан кўп туролмайди. Инсон имконияти шу билан чегараланиши мумкин эди, лекин...

Олиб борилган

талқикотлар одам ўпкаси ва балиқ жабрасида бир хил жараён кечиши, улар атроф-муҳитдан кислород олиб, қонга йўллашни кўрсатмоқда. Қондан эса карбонат ангидрид гази ажралиб чиқади. Хўш, унда нега инсон балиқ каби нафас ололмайди? Тахминларга кўра, сувда кислород миқдори имкон қадар кўп, сув эса физиологик хусусиятига кўра қонга яқин бўлиши лозим.

“Сув ости мўъжизаси”га келсак, улар бизга маълум бўлмаган доридармонлар истеъмол қилиши, гипноз ёки ғарбий Африка аҳолисининг ўзига хос истеъдод маҳсули бўлиши мумкин. Яна ким билади, дейсиз?

Зиёда ИСМОИЛОВА  
тайёрлади

Каримова Шафоат Аҳмедовна!

16 июнь шифокорлар байрами билан Сизни чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ ва баракали умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ҳамиша биз фарзандларингиз бошида пиру-бадавлат бўлиб юринг. Қизингиз Нигора

## ЎЖАР ТОҒАНИ ЕНГГАН КУЁВ

Нигора билан, уч йилдирки, бир-биримизни севамиз. Умримизни биргалликда ўтказишга, шириндан-шакар фарзандлар ўстиришга аҳду паймон қилганмиз. Орамиздаги муҳаббатдан ҳамма воқиф. Менинг ота-онам, қолаверса, унинг ота-онаси ҳам бизнинг турмуш қуришимизга рози. Аммо...

Ўзаро оилавий келишувдан сўнг, ота-онам Нигораларнинг уйига совчиликка боришди. Совчиликдан уларнинг тарвузлари қўлтигидан тушиб қайтишди. Бу ҳақда отам тиш ёриб, бирон нарса демади. Онам эса отамнинг юзидан ўтолмади. Хуллас, нима гап бўлганини билмасдан анча ўртандим.

Маълум бўлишича, ўша кун Нигоранинг ота-онаси ота-онамни яхши кутиб олишибди. Қуюқ-сууюқ зиёфатлар қилишибди. Зиёфат сўнгидан Нигоранинг тоғаси бизнинг асли қаердан эканлигимизни суриштирибди. Отам аслида Гулистонда туғилиб ўсганлигини, ота-боболарининг Фориддан эканлигини айтибди. Шунда: “Сизлар бизларга тўғри келмайсизлар. Биз ўзимиз томоннинг одамлари билан қуда-андачилик қиламиз. Бизнинг форидликларга берадиган қизимиз

йўқ”, дебди. Отам биз ёшларнинг бир-биримизни севишимиз, севги кўнгли иши, ҳеч қандай худуд билмаслигини тушунтиришга ҳарчанд уринмасин, у киши асло тушунишни истамабди.

Бу гапларни эшитиб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Нигора билан гаплашай десам у ҳам мендан ўзини олиб қочадиган бўлди. Охири у билан учрашиб, гаплашишга муяссар бўдим. Нигора билан гапни бир жойга қўйиб, тоғага учрашишга аҳд қилдик. Учрашиб балоларга қолдим. У баттар тўнани тескари кийиб олди. Кейин мен ёлғонни қўллашга мажбур бўлдим. Тоғага “жиянингизни бермасангиз бўлмайди, аҳду паймон қилганимиздан ташқари яқинда биз фарзанд кутаямиз”, дедим. Ота-онамни қайтадан Нигораларнинг уйига совчиликка жўнатдим. Бу сафар улар Нигораларникидан оқлик олиб қайтишди.

Келиннинг оёғидан деганларидек, хонадонимизга ўзгача бир рух, ўзгача бир файз-у барака киргандек бўлди. Ота-онам менинг ўжар тоғани қандоқ кўндирганимни эшитиб, бироз мендан ранжишди, койишди. Барчаси ўтиб кетди.

Рукни Эркин САИДОВ  
тайёрлади



## ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН ОРЗУ-ХАВАС



Маълумки, бундан бир неча йил муқаддам ҳукуматимиз томонидан "Тўй ва бошқа маросимларни тартибга солиш тўғрисида" қабул қилинган Қарордан сўнг Тошкент шаҳрида урф бўлган кўша-кўша машиналарда никоҳдан ўтиш, қиз зиёфати каби серхарж маросимлар камайгандек эди. Шунга қарамай, ҳалигача "ким

ўзар" мусобақалари давом этаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Тошкент шаҳрида қиз узатиш келин тарафининг шўри. Бўхча-бўхча сарполарни айтмаса ҳам бўлаверади. Табиийки, бу нарсаларга катта-катта сарф-ҳаражат керак. Кўшимча даромади бўлмаган ўрта ҳол оилалар учун бу қийин. Лекин, кўпинча, "Менинг кимдан камим бор?" ёки "Қилсам қизим учун қиламан-да" дея қарз-қавола қилиб, тўйни ўтказишади. Тўйдан сўнг эса қарзни эгаларига қайтариш учун рўзгордан сика бошлайдилар. Оқибатда оилада ўзаро келишмовчиликлар, иқтисодий танглик юзага келади.

Бир танишимиз орзу-ҳавас деб катта дабдаба билан тўй қилди. Тўй ўтгач, "тўйим ўзди, тўйим тўзди" деганларидек, орзу-ҳавас унга қимматга тушди. У ҳам юкоридаги вазиятга ўхшаб, қарзни тўлаш мақсадида рўзгордан сика бошлади. Оилада эса ҳар куни жанжал. Энг ачинарлиси, ҳали-ҳануз қарзларидан қутила олганича йўқ. Тўйнинг дабдабали бўлиши келин-куёвга бахт берса эди... Ахир, бахт тўйнинг ўтиши қилинган сарпо-суруғларда эмас-ку.

**Беҳзод МАХМУДОВ,**  
талаба

**Искандар бобо неварасидаги ўзгаришни кўриб, мийиғида кулиб қўйди. Боланинг юрагига муҳаббат чўғ ташлабди чоғи. Учрашувга кетаётганга ўхшайди, роса ороланибди...**

Невараси учрашувдан кўнглига қил сиғмай қайтди. Куни билан оро тараланиб елкасигача тушган сочини минг бор тараб чиқиб кетган йигит калтагина соч билан кириб келди. Икки кундирки, уйдан чиқмай тамаки тутунига ботганча, Жамиладан олган хатларини титкилаб ўтирарди. Бобо неварасидаги ўзгаришнинг аниқ сабабини билмаса ҳам, қиз бола олдда изза бўлганини сезди. У неварасининг ёнига ўтирди-да, кўнглига ботмайдиган қилиб гапни узокдан бошлади.

— Икки кун илгари кайфиятинг бошқача эди. Нима, қизлар чекмайдиган йигитларни ёқтиришмасмикан? Ичинг мўри бўлиб кетди-ку, ўғлим!

Невараси тўлиб турган эканми:

— Э-э, бобо, -деди, — олдин сизларга жуда осон бўлган. Қизлар остона хатлаб ташқарига чиқишмаган. Арава ҳайдаб боргансиз-у, бувимни олиб келавергансиз. Ҳозирги қизлар... Гап билан учириб юборишади.

— Эй, шунга шунчами? Калтак билан қувлабдими, дебман!  
— Ҳамма нарсани ҳазилга олаверасиз-да. Туппа-тузук гаплашиб ўтирган одам, сочингизни-ку саватдай қилиб келибсиз. Энди: "Бўйнингизга ҳам кўнғироқ осиб керак эди" деса борми? Хатлари-

да гаплари бошқача эди. Неварасининг гапларидан бобосининг кулгиси келди-ю, кампирига маъноли қараб қўйди. "Сизларга осон бўлганмиш. Бир вақтлар бобонг ишқ деб не куйларга тушмаган"... Бобо хўрсинди.

Искандар муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади, деб эшитганди. Йўқ кўр эмас, жуда ўткир бўларкан. Агар муҳаббат кўр бўлса, бўйи баравар ўралган паранжидаги қизга унинг кўзи тушармиди?

Ўша йиллари ҳафтанинг ҳар жумасида гавжум бозор бўларди. Тиркичилик учун ҳар ким топганини бозорга олиб чиққан. Искандар ҳам ўз тенгқурлари — бўз йигитлар билан бозор айланарди.

Бир куни унга кўк паранжили қиз кўлидаги дўппи ёқиб қолди. Олмоқчи бўлмаса-да, бориб ушлаб кўрди. Қизга тегажюқлик қилиб гап қотди, жаҳлини чиқармоқчи бўлди. Дўппини қўйнига тикиб қўйди-ю, пулини кам берди-да, орқасига қайрилди. Қиз унинг йўлини тўсиб, чачвонини кўтарди-да, газаб билан:

— Ҳой йигит, сиз

Дўст ва дўстлик. Мен бу туйғуларни жуда кўп ахтардим. Баъзида адашдим, алдандим, йиғладим, барибир ҳақиқий дўст кутардим. Излай-излай топдим деб ўйлагандим, аммо...

Биз у билан ўқишда, талабалик даврида танишдик. Қизиқ, кўзларимга таниш, овоз ҳам ўша, меҳр ҳам. Ҳа, мен кутган дўст. Мен уни топгандим. Оламда мендан бахтли инсон йўқ, шодлигим чексиз эди. Биз тез кунда тил топишиб кетдик. Кўпинча гапларимиз бир жойдан чиқар, ўйларимиз бир, ҳатто хаёлларимиз ҳам ўхшаш эди. Яъни, биринчи муҳаббат армонлари. Шунинг учун муҳаббат мавзусида камдан-кам суҳбатлашардик, бир-биримизни ёдимизга солмаслик учун ҳам эсламасликка ҳаракат қилардик. Ёшимиз тенг бўлишига қарамай, мен уни "ака", у эса мени "опа" дерди. Биз аҳил ва иноқ эдик. Ҳар кун эрталаб ўқишга борар эканман, қалбим бир орқиқиб кетади: "Уни кўраман". Мен мутлақо бошқа одамга айландим. Аввалги муҳаббат армонларининг оғриқлари энди юрагимни тирнамас, тунларим осуда, ҳаётимнинг ҳар бир куни қувончга тўлиб ўтарди. Мен унга қанчалар боғланиб қолганимни мана энди англамоқдаман. Қайданам билибман, унга бўлган меҳрим нафратга айланишини. Билганимда, балки ўшанда бунчалар меҳр бермасдиким.

Орамиздаги дўстликни кўра олмаган, оёғи эмас, оғзи билан юрадиганлар ҳам бор эканки, улар меҳрни муҳаббат дедилар. Бу гапни эшитдим, ўйга чўмдим. Наҳотки, қиз бола билан ўғил бола дўст бўла олмайди? Ахир, биз бир-

бизлардан ҳам ожизароқ-мисиз? - деди.

Искандар хайратдан тош қотди. Бақувват қўллари титраб кетди. Чачвон тагидан қизнинг қоп-қора қошу киприкларини уни отмоқ учун найза бўлиб тортилган эди. Ҳаёдан, газабдан икки юзи кип-қизарган, кулгич-

# ҚИЗЛАР МАРД ЙИГИТЛАРНИ ҚАДРЛАЙДИ

ларида хижолатнинг сояси. Майда ўрилган жингалак соч толалари нимдошгина нимчасига сочилган. Сўз билан ифодалаб бўлмайдиган аллақандай бир гўзаллик йигитни лол қолдирганди. У беихтиёр кўйнига қўл тикди ва бор пулини санамасдан қизга узатди. Қиз пулнинг ортиқчасини қайтараркан, ҳамон ўзидан нигоҳини узолмай турган йигитга бегуборгина жилмайиб қўйди.

Орадан ўтган суҳбат Искандарга калтак бўлиб тушган эди. Хаёлотнинг минг бир кўчасига кириб чиқди.

Жума яқинлашган сари йўлга ҳозирланар, юраги кинидан чиққудек бўларди. Бир бало қилиб бир жумани ўтказди, келгуси жумагача тоқат қилолмади. Тўғри ўша остонага бориб, дарвозани тақиллатди. Яна ўша кўк паранжили қиз чиқди. У чачвонини кўтариб, кулиб

турарди.

— Хуш келибсиз.

— Исми Искандар.

— Кеча жума келмадингиз?

— Мана келдим. Фақат сизни олиб кетгани... Шартим шуки, болаларингизни ташлаб кетасиз, бир кунини кўрар...

Муслима қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордики, бу кулгида йиғи, ҳасрат, зорланиш ифодаси бор эди. Қиз йиғлаб юбормаслик учун эшикни шартта ёпиб кириб кетди. Забардаст қўллар эшикни итариб, киришга журъат этмади.

Искандар туя жунидан тўқилган чакмонини елкасига ташлаб, кўчаларда кезиб юрарди: "Эй фалак, не савдоларни бошимга солдинг. Болалик бўлганим майли эди, уларни ташлаб кетишга рози эмас. Наҳот, Искандар болали хотинга уйланибди, деган номни кўтарсам? Бўлди, энди

биримизни севмаймиз, севолмаймиз, ҳатто бу хаёлимга ҳам келмаган. Юракни боғ деб атама, севги капалак эмас-ку. Наҳотки, дўстликда йигит, қиз танланса? Ўша тунни бедорликда ўтказдим. Майли, одамлар шундай гапиривердилар. Балки, ҳавас билан ҳасадни адаштириб юборгандилар, деган ўй билан ўқишга

## ДЎСТЛИК БОШҚА, СЕВГИ БОШҚА...

бордим. Не кўз билан кўрайки, дўстим кўришмай ўтиб кетди. Кун-бўйи қовоқ уйиб юрди, унинг кўзларида ўт чақнарди гўё. Эҳ, одамлар, нималар дейишмайди-я. Мен уни севиб қолибман, ялиниб юрган эмийшман, унга атаб шеърлар ёзармишман. Дугонам тинмай миш-мишларни гапирарди, мен эса унсиз, юм-юм йиғлардим. Ҳатто унинг гапларини рад этолмас, оқлашга уринмас эдим, гапиришга тилим лол эди. Дўстим бу гапларга ишониб кетавердим? Ахир, бошқалар табиатини тушунмаса ҳам, ҳаётимни билмасалар ҳам у ҳатто хаёлларимни уқиб олишга ҳам қодир эди-ку. Наҳотки, шу инсон менинг дўстим бўлса?! Орамиздаги дўстлик туйғуларига хиёнат қилмасликка

бир-биримизга сўз берган эдик-ку. Хиёнаткор ким, менми?! Саволлар, саволлар қуюндай қуйилиб келаверарди-ю, аммо жавобсиз қоларди. Гўё ҳаётимнинг яна бир шамчироғи сўнди. Яна ёлғиз қолдим... Мана, кунларим офтобсиз ўтмоқда. Авваллари тезроқ тонг отшини, уни кўришни, у билан суҳбатлашишни қанчалик сабрсизлик билан кутган бўлсам, энди тезроқ кеч киришини, уни кўрмаслигимни сўрайман. Ҳар куни тунларимни оппоқ тонгларга улаб, уни ўйлаб чиқаман. Мен уни

бевафо ва номард деб атадим, чунки у ҳақиқий дўст бўлганида ўша гапни айтган одамга бошқача жавоб қайтарарди. У эса ҳатто ўзи ҳам қиз бола билан ўғил боланинг дўст бўлишига ишонмаса, бошқалар гапи тасдиқ ўрнини босса, мен нима қила олардим. Мен уни ҳар куни кўраман, бу қанчалар оғир. Қарагим ҳам келмайди унинг нигоҳларига, у мен учун нафратга лойиқ инсон. Лекин мен унга ҳеч қачон бахтсизлик тиламайман. Бахтли дамлар қатори мен унинг албатта ҳаётда лозим бўлган чин дўст ва севимли ёр тилайман. Сенга чексиз меҳрим бор эди, сен уни муҳаббат деб адашдинг, дўстим...

**Адолат ҒАЙРАТ қизи**



қайтиб келмайман!"

У бунга кўнолмади. Кейинги сафар отга арава кўшиб борарди. Бориб нима дейди? "Бу дафъа мард бўламан. Одамлар нима дейишса дейишаверсин. Усиз олам тор бўлса, не қилай?"

Дарвоза ёнида от-арава тўхтаганидан хабар топган Муслима паранжисиз унга пешвоз чиқди.

— Келдим, Муслима.

— Нечун?

— Ҳаммасини аравага олиб чиқинг.

Муслима сўзсиз нарсаларини ва етимчаларини аравага чиқарди. Инсоннинг табиатини тушунмоқ нақадар қийин! Шунча вақт унинг орқасидан эргашиб келган ўша болалар Муслиманинг укалари эканини чимилдикдагина билган, отанасининг вафотидан сўнг қиз уларни дўппи тикиб боқайтганини билмабди-я.

Кампири ёнига болиш келтириб қўйгандагина Искандар бобо невараси ёнида эканлиги хаёлига келди.

— Бобо, ҳозиргилар муҳаббатга енгил қарайдилар?

— Неча минг йиллардан буён қадрини йўқотмаган муҳаббат сенинг даврингга келиб йўқолибдими? Демак, уни сен йўқотгансан! У сени икки йил зориқиб кутса-ю, сен бўлсанг... Унинг ёнига тезроқ бориш, кўнглини кўтариш ўрнига, ажабтовур кийимларни устингга илиб юрибсан. Фаросатли қиз экан. Қизлар йигитнинг усти ялтироғини эмас, мардини қадрлашади. Қиз кўнглини олмоқ учун нозини ҳам кўтарасан. Келманг, деса аразлаб ўтираверасанми? Бошингни эғиб бор... Юксалиб кетасан... Қизлар ноз қилади. Уларнинг нозик қўлларини тутган бақувват қўллар титрайди. Сени ўша қиз синаб кўрибди.

... Зокиржон ўрnidан туриб, оғир қадамлар билан меҳмонхонага ўтди. Ўрин таҳида турган янги чуст дўпписини олди, авайлаб костюми чўнтагига солди. Оёқ учиде яриб, томорқа даричасидан кўчага чиқиб кетди...

Искандар бобо эса невараси ортидан тикилиб қолди...

**Шарофат АШУРОВА**

# КИТОБ ЎҚИМАГАН САНЪАТКОР — ПУЧ ЁНҒОҚҚА ЎХШАЙДИ

## Хонанда Тошпўлат Маткаримов билан суҳбат

**Кўшиқ инсон қалби ҳамроҳи. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, инсон умри кўшиқларсиз қашшоқ бўлиб қоларди. Эл орасида ҳаётини кўшиқчилик санъатига бағишлаганлар жуда кўп. Тошпўлат Маткаримов ана шундай инсонлардан биридир.**



— Кўшиқ айтиш сизга эрмакми ёки...

— Менга ҳеч бундай савол билан мурожаат қилишмаган. Нима учун кўшиқ айтишимни изоҳлаб беролмайман. Аммо шуни биламанки, кўшиқ айтмай ҳам яшолмайман. Менга кўшиқ айтишни ўргатишмаган. Оиламизда мендан бошқа санъаткор ҳам йўқ. Лекин момом менга ўзбек халқ лапарларидан айтиб берарди. Балки санъатга бўлган иштиёқ шундан ҳосил бўлгандир.

— “Айнамов”, айнан мана шу кўшиқ сизга чинакаммига шуҳрат келтирганди. Ишонманки, бу кўшиқни ҳозир ҳам севиб тинглашди.

— Бу кўшиқнинг мусикасини таниқли бастакор Алишер Икромов ёзган. Аввалига уни айтишни хоҳ-

ламаганман. Бирок Алишер ака буни сиздан бошқа хонандага бермайман, деб, менга катта ишонч билдирганларидан руҳланиб кетдим. Иккимиз ҳам бу кўшиқни халқимизга бу қадар маъқул келишини ўшанда билмаганмиз, албатта. Тўйларда, концертлар-у учрашувларда ҳозир ҳам шу кўшиқни сўраб туришади. Бу эса мени бундан-да гўзалроқ кўшиқлар ижро этишга ундайди.

— Сир эмас, баъзи кўшиқчиларимиз хонанда китоб ўқиши шарт эмас, дейишди?

— Назаримда, шундай сўзларни айтган хонандалар адашишади. Санъат кишиси ҳамиша элнинг эътиборида. Кўпчилик уларга ҳавас қилади. Улардан ўрнак олишга интилади. Баъзан чет эл санъатшунослари бирор халқ хусусида маълум бир хулосаларга боришда санъаткорларнинг юриш-туриши, ижодига диққат қаратишган. Демокриманки, китоб ўқимайдиган санъаткорнинг аҳволи пуч ёнғоқ ка-бидир.

— Кизиқларингиз хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Дурадгорликка меҳрим баланд. Унча-мунча ишларни ўзим устасиз

ҳам эплайвераман. Ҳаммадан ҳам отни яхши кўраман. Чиройли, бақувват отим бор. Бўш вақтларимни отда сайр қилиш ёки уни парвариш-лаш билан ўтказаман.

— Ҳалиги, “Оқ тулпорим бор эди, Беклар унга зор эди, От эмасдир у менга, ҳам дўсту ҳам ёр эди”, деган шеърни шунчаки кўшиқ қилмаган экансиз-да?

— Бу сатрларни раҳматли шоир Муҳаммад Юсуф ёзган. Умуман, шеър менинг руҳиятимга роса мос келган. Шунинг учун уни ижро этдим. Яна бир гап, шу санъат сабаб кўлаб забардаст ижодкорлар билан танишдим, ҳамсуҳбат бўлдим. Ижодимнинг юксалишида уларнинг ўз ўрни борлигини бугун инкор этмайман. Муҳаммад Юсуф, Нормурод Нарзуллаев, Алишер Икромов каби ижодкорлар менга ҳар жиҳатдан ёрдам беришган.

— Ижодингиздаги қандай янгилик билан мухлисларингизни хабардор этиб қўймоқчисиз?

— Янги магнит альбоми чиқардим. Унга “Уланчи йигит” деб ном берганман. “Сохибжамол” деган янги кўшигимга клип тайёрладим. Ашаддий мухлисларим бундан аллақачон бохабар бўлишган бўлса ажаб эмас. Яна янгича услубдаги кўшиқ устида ишлаяпман. Ҳозирча бу тўғридаги маълумотни сир тутиб турмоқчиман.

**Файрат МАЖИДОВ**  
суҳбатлашди

# SAN'AT OLAMI

Хоразм санъати оламида ўзига хос иқтидорга эга «юлдуз»лар бисёр. Ана шулардан бири — хушовоз хонанда, мумтоз кўшиқларнинг моҳир ижрочиси Отамурод Нурматовдир

Отамурод ога Янгибозор туманидаги Ширинқўнғирот қишлоғида туғилиб-ўсган. Бу гўша мамлакатимизда донг таратган истеъдод соҳиблари бўлиши Омон Матжон, Султонпошша Ўдаева каби машҳур инсонларни камолга етказган. Улар қаторида Отамурод Нурматовнинг ҳам иқтидор



## КЎШИҚҚА ЕТАКЛАГАН ДАРД

у таҳсилни якунлаб, яна Тошкент Давлат Маданият институтига кириб ўқишга қарор қилди.

1997 йилда устоз санъаткор Комилжон

Отаниёзов таваллудига саксон йил тўлиши муносабати билан ўтказилган кўрик-танловда I-ўрин соҳиби бўлди. Бу муваффақият унга янада ишонч, куч ва илҳом бағишлади. Шу йили ўтказилган “Ўзбекистон — Ватаним маним!” республика кўрик-танлови янги кашф этилган истеъдод — Отамурод Нурматовнинг ширали овозини мамлакатимиз узра таратди. Чунки мазкур танлов хайъати у куйлаган кўшиқни I-ўринга муносиб деб топганди.

Мазкур кўшиқ залвори ҳали ўз шуқуҳини йўқотгани йўқ. Балки унинг қадри баланд, ўлмас онлар билан суғорилгани боис ҳам Ўзтелерадиокомпаниянинг олтин фондидан ўрин олгандир.

— Туркия, Корея, Белорусь, Туркменистон каби давлатларда концерт бердим, — дейди ёш хонанда Отамурод Нурматов. — Хорижликлар ўзбек миллий кўшиқларини севиб тинглашининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, мумтоз кўшиқ айтганингизда уларнинг бутун вужуди қулоққа айланади.

Ҳар йили Хоразмдаги нуфузли ўйингоҳ ва маданият саройларида яккахон концерт дастурини халқимизга тақдим қилиб келаётган санъаткорнинг бу йилги режалари ҳам бисёр. “Қарияларни қадрлаш йили”га бағишлаб доимий равишда хайрия концерти ўтказишни аллақачон бошлаб юборган. У ҳамиша “изланиш истеъдоднинг ҳақиқий устозидир”, — деган ақидага амал қилади. Унинг санъат оламида нурли уфқларни очажигага ишониш мумкин.

**Эрпўлат БАХТ,**  
«Turkiston» муҳбири



Бундан бир неча йил олдин Гулстон шаҳрида ёш ҳаваскор хонандаларнинг танлови ўтказилганди. Ушанда биринчи марта катта сахнага чиққан, кичкина жуссали қиз биринчи турда сараланиб, иккинчи турга қатнашиш учун йўлланмани кўлга киритади. Тинимсиз тайёргарликдан сўнг танловга ташриф буюрган қизнинг бу гал яна бир бор сахнага чиқишини баъзи катта санъаткорлар хохлашмайдилар. Саҳна ортидаги қизнинг бошловчига ялиниб ёлворилари зое кетди. Ниҳоят, концерт тугаб, мухлислар залдан чиқа бошлади. У юрганича сахнага чиқар экан, “Мен барибир

# КЎШИҚЛАРИМ БАХТИМ, СОҒИНЧИМ

санъаткор бўламан. Ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтаман” деган сўзлари юрагининг туб-тубидан отилиб чиқди. Залга қайтиб кирганларнинг ҳайратли нигоҳи унга қадалганди. У сўзининг уддасидан чиқди. Ёниб куйлади, изланди. Шу йўсинда Дилдора Ниёзова деган ном санъат осмонидаги юлдузлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Айни пайтда унинг “Бир кун хофиз бўламан”, “Ёшлигим — бебошлигим”, “Ватан”, “Бевафо дунё” каби кўшиқлари аллақачон мухлислар қалбини забт этган.

— Дилдора, ишонасизми, сизни кўрмай туриб кўшигингизни тинглаган ҳар қандай инсон Юлдуз Усмонова куйлапти деб ўйлайди. Сизнингча, бу тақлидми ёки...

— Йўқ, тақлид деб ҳисобламайман. Бирок болалигимдан Юлдуз Усмонованинг кўшиқларини бутун вужудим билан тинглаб, ўзимча хиргойи қилиб юрардим. Шу санъаткорга, унинг кўшиқларига, тўғриси маҳлиё бўлиб яшардим. Балки, шунинг таъсиридан овозим ўхшаб қолган бўлса, эҳтимол.

— Санъаткор бўлиш учун бирон бир санъат олийгоҳида ўқиш шартми?

— Менимча, шарт эмас. Ҳақиқий иқтидор, овознинг ўзи етарли деб ўйлайман. Чунки хонанда эл дардини юракдан куйлаши зарур. Ҳиссиёт ёхуд ички кечинмаларни, менимча, бирон бир дарсада ўтиб, англаб бўлмас керак.

— Консерваторияда ўқишни давом эттирмай, ташлаб кетишингизнинг сабаби нимада?

— Очигини айтадиган бўлсам, ўша пайтда дарсларни деб кўп вақтим бекорга кетди. Қолаверса, энг яхши мактаб ҳаётнинг ўзи деган қарорга келдим. Агар инсонда хоҳиш бўлмаса ҳеч ким уни мажбурлаб бирор нарсани ўргатолмайди-ку. Кўлаб ёшлар, баъзи иқтидорлиларни бундан мустасно тарзда айтадиган бўлсам, бирор олий ўқув юрдада ўқишини рўқач қилиб, вақтларини бекорчи нарсаларга сарфламоқда. Менинг бундай қилишимга, ҳам ўзимни, ҳам домларни алдашимга виждоним йўл қўймайди.

— Вақти келиб машҳур санъаткор бўлишингизга ишонасизми?

— Ишонаман. Бирок гап машҳурликка эмас. Таниқли бўла туриб, одамларнинг назарида бўлмаслигингиздан ачинарлиси йўқ.

— Тасодифга ишонасизми?

— Албатта. Ҳаётда таваккал қилишни яхши кўраман. Нега деганда ўйлаб иш қилсам, хатога йўл қўяман, таваккал қилсам, ишларим юришиб кетади. Инсон ҳаёти тасодифлардан ўша лаҳзадаёқ ўзгариб кетиши мумкин.

— Ҳаётда нима сизга кўпроқ панд беради?

— Биласизми, хулқ-атворим жудаям мураккаб. Ҳар ким билан чиқишиб кетолмайман. Журъатлиману, кўрқокроқман. Қайсар бўлишимга қарамай, ўта раҳмдилман. Раҳмдиллигим ортидан ҳаётда кўп бор қоқилишимга тўғри келган.

— Энг бебаҳо, унутилмас дамларингиз?

— Саволингизга бир кўши-

гимнинг тўртлигини жавоб сифатида келтирмоқчиман:

**Оппоқ эди бошда бу дунё,  
Ташвиш нима, билмасдим асло.  
Кўларимга кўринган рўё,  
Ёшлик даврим, сенсан, бебаҳо.**

— Бир кунда қанча вақт ўз устингизда ишлайсиз?

— Ҳар кун мусика залимизда тинимсиз беш соат кўшиқ айтиб репетиция қиламан. Санъат йўлини танладимми, энди ортга қайтиш йўқ. Муваффақиятлар ўзимники, дўстларимники, ота-онамники. Қанча кўп ижод қилсам, камчиликларим ўз-ўзидан барҳам топаверади. Кўшиқларимда менинг бахтим, соғинчим, қолаверса энг эзгу туйғуларим яшайди.

— Кўнглингизга яқин одамлар...

— Аввало, менга ҳар доим қувват бўлган ота-онамдан жудаям миннатдорман. Санъат сирларини ўргатаётган устозим — Саодат опа Қобуловага, қолаверса айни пайтда менга катта ёрдам бераётган Қахрамон ака Мирмахсудовларга чексиз хурматимни изҳор этаман.

**Сўнги маълумот:**

Дилдора Ниёзова шу йилнинг сентябрь ойида илк бор яккахон концерт дастурини мухлисларга тақдим этади.

**Зиёда АШУРОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

Сuhfa



# ЁР ҚОШИГА БОРУРМИЗ

Менинг хотиримда жамлик йўқ, жамлик,  
Паришон хотирда камлик йўқ, камлик.  
Хотиржам кунларни хотирга олиб,  
Паришон бу кўнгил баттар мотамлик.

Ярқ этдингу ёндинг-е,  
Армонда қолди чақин,  
Отингни чу, де, руҳим,  
Бу ёғи қолди яқин.

Ер айласин тараҳхум.  
Васлида асал тутсин,  
Ҳажри бўлди-ку заққум.  
Воҳ, бу нима сир бўлди,  
Тобора заъф сезурман.

## МИНГЧИНОР

Жилдирашар зилол чаималар,  
Ой Зебонинг мисраларидай.  
Сулув қизлар-шўх қарашмалар  
Солланишар мисли паридай.  
Савлат тўкиб туради мағрур,  
Мингга кирган мингта салтанат.

Китоб — мингни айлаган масрур,  
Яктоғина шўх париталғат.  
Бу жамолнинг жилосидандир,  
Ой тўхтаса, Қуёш тўхтаса,  
Бежиз бунда жойлашмагандир —  
Бутун олам кенглик нуқтаси.

Аммо кўнгил тагинда,  
Мақсад эди диёнат.  
Ёр қошига борурмиз,  
Дил қўлда, қўл яқода.  
Не ёзуқлар қилмадик  
Дунёйи бебақода.  
Не бўлса, бўлди энди,

Тунда уни кезурман.  
Шабхун қилиб чамамда,  
Қошига чорлаёттир.  
Рух ўйноқлаб борару  
Вужуд хоҳламаёттир.  
Ярқ этдингу ёндинг-е,  
Армонда қолди чақин.

Сулувлар сарвари сарви суманим,  
Қошлари қиймочу сочи туманим.  
Кўйингда кўкайим куйди-ку маним,  
Келсангу кўнглимни олсанг бўлмасми,  
Олиб чанқовуздай чолсанг бўлмасми?

Кўнгил лахта-лахта қон фироқингда,  
Томоғимга келар жон фироқингда,  
Асрлардай кечар он фироқингда,  
Келсангу кўнглимни олсанг бўлмасми,  
Ёнимда бир умр қолсанг бўлмасми?

Қурбон деб жонимни сўйдим, жонингдан,  
Бошимни кундага қўйдим жонингдан,  
Ишқисиз яшай-яшай тўйдим жонимдан,  
Келсангу жонимни олсанг бўлмасми,  
Ўтти оташдонга солсанг бўлмасми?

Ориф ҲОЖИ

# БАРКАШДАЙ ОЙ СОЧАЁТТАН НУР

Мен сиримни ойга сўйладим,  
Оқ нурига дардларим ўраб.  
У-чи, ошкор қилиб дунёга,  
Тураверди нелардир сўраб.  
Шўх юлдузлар қийкириб кулди,  
Шоир ошиқ бўлиб қопти деб.  
Излаб келди дайди шамоллар,  
Излай-излай кимни топди деб.  
Тундан қочиб кунга уланди,  
Билмай сотиб қўйди-да тилим.  
Баркашдай ой сизгиролмас,  
Сирни қандоқ сақласин дилим.  
Мен сиримни ойга сўйладим,  
Ой нурига дардларим ўраб.  
У-чи, ошкор қилди дунёга,  
Тураверди нелардир сўраб.

Фунча, бандингдан айрилганимга,  
Ўзинг айбдорсан, ўзинг айбдор.  
Нечун йўловчига хуснинг кўз-кўзлаб,  
Атрингни сочасан, қиласан хумор.  
Шохингда турсанг бўлмасмиди ҳеч,  
Сен билан чаманлар хўп тўлмасмиди?  
Кимнидир васлингга этай деб хуштор,  
Йўлларга поёндоз бўлдинг неча бор.


Осмонимни булутлар босди,  
Назаримдан ёғиб берди қор.  
Пештоқига сумалак осди,  
Юрагимга беркинди баҳор.  
Аччиқ сўзининг совуқ захридан,

Азобланиб қақшаб кетди дил.  
Фавго солма оламини бузиб,  
Танглаймга ёпишиб қол тил.  
Сочларимга тўкилсин қиров,  
Юрагимга тортсин яхмалак.  
Майли, ёмон деса ҳам биров,  
Мен ҳам айбисиз бўлмасам керак.  
Бағрим, кенг бўл, кечиримли бўл,  
Ўз-ўзимга тилайман тўзим.  
Кўнгилларга кўприк бўлолса,  
Қани эди, айтган ҳар сўзим.  
Сабр тиланг менга одамлар  
Шоир қалбим олсин бироз тин.  
Боболарим бежиз айтмаган,  
Ахир, сабр тагида олтин.

Ҳаётбек ИСМОИЛОВ,  
Андижон вилояти

## Bu ajib dunyo

Сухбатдошимиз Бобоназар Пардаевни кўпчилик Сурхон воҳасида яши билишади. У киши Шеробод туманидаги Улаш Туропов номилик ширкат хўжалигининг "Килкон" маҳалласида яшайди. Бир неча йилдан буён туман халқ таълими бўлимига қарашли "Ёш табиатшунослар" маркази экология мажмуаси хузуридаги сирли олам тўғраги раҳбари бўлиб ишламоқда. Куйидаги суҳбатимиз эса руҳшунос-гипнозчининг морбозлик санъати ҳақида.



# МОРБОЗ

— Бобоназар ака, Сизни вилоятдаги барча каттаю-кичик морбоз деб билади. Чунки турли байрамларда, тадбирларда ва халқ сайилларида илонларни ҳар хил куйга янотасиз...

— Анча йиллар олдин туман "Маданият уйи"га қарашли оилавий цирк гуруҳини тузганмиз. Дунёнинг айрим давлатларида ушбу цирк гуруҳимиз ўзининг томошаларини намойиш этишган. Жумладан, ҳозиргача МДХ, Ҳиндистон, Венгрия давлатларида бўлди. Бизда саккизта кобра, иккита кум бўғма илончаси, битта кўлвор ва иккита хинд бўғма илон (уларнинг узунлиги 3 метрдан ошади)лари бор.

— Бу илонларни қаерда сақлайсиз?

— Гарчи қишлоқда яшасак-да, ҳовлимиз бироз тор. Шунинг учун илонларимизни қутиларда сақлаймиз. Илонларимга озуқа сифатида каптар, қуён, товук бериб боқамиз. Кичик илончаларга эса жўжа ва қуш тутиб беришга ҳаракат қиламиз. Судралиб юрувчи бу жониворлар му-

шугимиз ушлаб берган сичқонларни мазза қилиб тановул қилишади. Мушукка эса "хизмат ҳақи"га сизир сутидан берамиз.

— Морбозлик санъатини кимдан ўргангансиз?

— Беш-олти ёшимда кўрганман, бобомнинг уйида узунлиги 2 метр келади-ган илони бўларди. Уни кўзада сақларди. Шу билан бирга илон тез-тез овга чиқиб кетарди. Менга эса бу соҳада отам устозлик қилган. Ёшлигимдан менга у киши морбозлик сирларини ўргатган. Ҳар хил дуолардан ва сирлардан воқиф этган.

— Илонлар баъзи вақтларда жажлдор бўлишаркан: Сизни ёки оила аъзоларингизнинг бирига озор беришидан қўрмайсизми?

— Албатта қўрмаман. Чунки илонлар пўст ташлаш вақтида анча баджаҳл бўлиши рост. Уша вақтда уларнинг асаби жойида бўлмайди. Мен нима учун қўрмаман? Ўзимни қақиб олишидан эмас, болаларимга зиён беришидан қўрмаман. Мисол учун: Лобар исмли қизимизни захарли кобра уч марта қақиб олган. Бу қизим товук йилида туғилган эмасми,

ҳамма нарсага тегиниб, "чўкиланиб" кетаверади. Шу туфайли беш-олти марта захарсиз илонлар ҳам тишлаб олишган. Ўзимни беш марта кобра чаққан. Бир-икки марта кўзимга захрини сочиб юборган.

— Қандай қилиб даволангансиз?

— Чаққан вақтида ва ундан олдин унинг дуоларини ўқиб кўямиз. Кўзимизга сачраган захарни эса пишаётган сутнинг ҳовурига тутиб, яхши қилганман.

— Илонларингиздан захар олганмисиз?

— Мен ҳам баъзида илонларимдан зарур бўлганда захар олганман. Лекин табиий яшамаётган илонлардан ҳадеб захар олинавурса, у ўта нимжон бўлиб қолади. Ҳатто ўлиб қолиши ҳам мумкин. Шу туфайли мен илонларимдан камдан кам ҳолларда захар оламан.

— Ўзбекистонда одамни чаққан захотиёқ ўлдирадиган илонлар ҳам бор, дейишади. Шу ростми?

— Бизда бундай илонлар йўқ. Бу бекор гап. Бундай ўта захарли газандалар океанларда яшашади. Ушандай илон чаққанда "А" деб, "Б"ни айтолмай қолиш ҳеч гап эмас.

— Айримлар шохли, ёлли илонлар бор дейишади. Бу афсонами ё ҳақиқат?

— Мен ҳам худди сиздек бу гапларни эшитганман. Лекин кўрганам йўқ. Аммо бу жониворларнинг ёши ўтган сайин тепа жағ суяги буртиб, шохга ўхшаб қоларкан. Ёл чиқиб кетиши ҳам балки чиндир. Катта илонларнинг иккита оёғи ва

дум тирноғи бўлади.

— Бобоназар ака, илон сақлашдан асл мақсадингиз нима?

— Мақсадим морбозлик санъати йўқ бўлиб кетмасин дейман. Чунки қадимда бу санъат юртимизда ривож топган. Дунёдаги кўпгина давлатлардаги морбозлар Ўзбекистонга келиб, ота-боболаримиздан бу санъатни ўрганишган. Хиндлар ҳам, японлар ҳам ўзбек морбозларидан таълим-тарбия олишганини ўз хотираларида айтиб ўтишган.

Айни вақтда циркимиз гуруҳи аъзолари тўйларда, оммавий тадбирларда ва гастролларда қисқа ҳажмдаги фокус кўрсатмоқда. Шу билан бирга гипноз билан ҳам шуғулланаяпмиз.

— Илон гўштининг қандай хусусиятлари бор?

— Инсон организми учун фойдаси ҳам, зарари ҳам катта. Уни билиб истеъмол қилиш керак. Баъзи касалликларга илон гўшти даво ва сургувчи хусусиятга эга.

— Минг узр, кўнглингизга олманг-у, аммо... Халқимизда дорбозники дордан, морбозники... деган гап юради...

— Саволингизни тушундим. Ажалнинг нимадан келишини инсон ҳеч қачон билмайди. Ёлғиз Яратганга маълум... Шофёр бахтсиз ҳодисадан, монтер электр токи урушидан ўлмаслиги мумкин. Худди шунингдек, бу кинояли, қочиркли гапларга унчалик эътибор бермайман.

— Тушга илон кирса нима бўлади?

— Илонлар ўта меҳрли ва қаҳрли жониворлардир. Албатта, илон тушга кирса давлат, бойлик ва ганж деб билинг. Бу тушнинг фойдаси бор. Асло хавотирга ўрин йўқ.

Чори ЖУМАКУЛОВ суҳбатлашди

## ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА (17.06-23.06)

**КҮЙ.** Бу ҳафта сизга омад кулиб боқадди. Танишларингиз орасида ўз муомалангиз билан обрў-эътиборга эришасиз. Сизни янги танишув ва таклифлар кутмоқда.

**БУЗОҚ.** Агар сал уддабуронроқ бўлсангиз ҳамма ишларингиз муваффақиятли амалга ошади. Чунки юлдузлар бу ҳафта сизга омад кулиб боқишини ваъда беришпти. Моддий аҳволингизни ҳам яхшилаб олиш имконияти бор.

**ЭГИЗАКЛАР.** Шу пайтгача яхшилаб дам олдингиз. Энди енгингизни шимариб, бир ишга тушинг-чи! Кучим етмайди, чарчадим, деманг. Чунки бу ҳафта айни кучга тўлиб, ҳамма ишни уддалаб ташлайсиз. Омад ҳам сизга кулиб боқадди.

**КИСКИЧБАКА.** Бу буржда туғилганлар учун туғилган кунлар бошланади. Шунга қарамай, ўзингизни ортиқча уринтирманг, соғлигингизни эҳтиёт қилинг, чунки бу ҳафта анча нозиклашиб қоласиз. Лекин душанба ва сешанба кунлари кўлингизга пул тушади.

**АРСЛОН.** Сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари берилиб ишланг, чунки шу кунлари ишингиз ўнгидан келади. Сизларни катта таассуротлар, янги танишувлар ва учрашувлар кутмоқда.

**ПАРИЗОД.** Ўз танишларингиз орқали кўп ишларни амалга оширишингиз мумкин. Бир воқеа сабаб мансаб пиллапоясидан кўтарилишингиз мумкин. Имкониятингизни қўлдан бой берманг.

**ТАРОЗИ.** Чет эл сафари ёки хорижий шерикларингизга тааллуқли ишларингиз бирдан юришиб кетади. Хужжатларингизни ниҳоят тартибга солиб оласиз. Ўз севгилингиз кўнглини кўтаришни ҳам унутманг.

**ЧАЁН.** Сешанба, чоршанба ва шанба кунлари орзуингиз ушалиши учун қулай шароит яратилади. Шу имкониятни қўлдан бой берманг. Дам олиш кунлари саёхатга чиқинг, асабларингиз дам олади.

**ЎКОТАР.** Андишали ва кечиримли бўлсангиз аввалроқ жанжаллашиб қолган дўстларингиз, турмуш ўртоғингиз билан ярашиб оласиз. Асабларингизни асранг, муаммоларни босиқлик билан ҳал этинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Бу ҳафта сиз учун унумли бўлади. Аввал эришолмаган нарсаларингиз бу ҳафта шундоқ "қўлингизга келиб тушади". Ҳаётини бошидан бошламоқчи бўлганлар учун ҳам йўл очик. Фақат чўчиманг, доим олға боринг.

**ҚОВҒА.** Ҳафта давомида жудаям таъсирчан ва нозик бўлиб қоласиз. Ҳаётингиз қутилмаганда ўзгариб кетади, катта, унутилмас таассуротлар оласиз. Фақат соғлигингизни эҳтиёт қилинг.

**БАЛИК.** Бу ҳафта ўзингизни оилангиз, фарзандларингизга бағишлайсиз. Уй ишларидан ортмайсиз. Оила аъзоларингизга тааллуқли қутилмаган хабар эшитасиз. Севгилингиз сизнинг измингизда бўлади, унга алоҳида эътибор беринг.

Ташкент шаҳар Собир Раҳимов туман ҳокимияти томонидан Саидқаримова Дилфуза Абдумавлоновна номига 2001 йилда берилган №0519076 рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утеранный гос.ордер № 01-01/18407 от 7.03.96 Права собственности Бабиной Нины Николаевны на квартиру считать не действительным.

Утеряна регистрационная карточка горстатовских кодов за №1011 от 27.07.2000г. Код по ОКПО 17779536 ИНН 203344498 считать не действительным.

## ВИЖДОНИНГ БОРМИ, ЙИГИТ?

**Дилфуза — кутубхоначи. Оилада яхшигина бека, меҳнатсевар, пазанда. Хуснда ҳам бировдан кам жойи йўқ. Лекин шундай қизнинг бахти борми?**

Бахтсиз суҳбатдошимизнинг ҳикояси шундай эди: "Мен оилада иккинчи фарзандман. Опам ва икки укам бор. Отамдан эрта ажраганидан сўнг онам бизга ҳам оталик, ҳам оналик қилди. Она касбидан бориб кам бўлмадим. Қиз бола бўйи етди, дегунча уйга совчилар кела бошлар экан. Мени билмаган, синалмаган йигитга беришга розилик бериб юборишди. Тўйимиз бир ой ичида бўлиб ўтди. Севиб-севилмаган бахтсизгина мен турмуш ўртоғимни тўйдан кейин яхши кўриб қоларман, деб ўйлагандим. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади. Оила ва уй-рўзгор ишларида ҳар қандай нарсалар қўлимдан келса-да, аммо ҳамма нарса хаёл, ҳаёт синовлари экан.

Тўйимиздан бир ой ўтишига қарамасдан эримни кўчадан келмаслиги, ҳеч қаерда ишламай, ўзига ўхшаш улфатларига қўшилиб, уйда жанжал бошлашлари ўзининг кимлигини билдириб қўйди. Мен эрта туриб рўзгор ишларимни тугатиб, ишга кетаман. Кечда келсам, уйда йўқ, бўлган тақдирда ҳам худди мени егудек бўлиб турар, мендан пул талаб қилар эди.

Биз қайнона-қайнота ҳамда қайясинглимиз билан яшаймиз. Улар ҳар кунги бўлиб турадиган моҳорлардан хабардор-ку, лекин ўзларини четга олишга ҳаракат қилади.

Бу ҳақда бирор марта ҳеч кимга ёрилмаганман. Ҳаттоки кўнгли ўксик, оила тебратиш ташвишлари билан юрган онаизоримга ҳам билдиришни истамаман.

Уйда бўлиб турадиган воқеаларни кўчага олиб чиқшимдан наф йўқ, барибир, охирини ўйлайман.

Она, барибир она-да, кунда содир бўладиган жанжаллардан ичида хабардор бўлса-да, мендан сўрашга ботина олмас эди. Турмушнинг икки-чирларига қарамай, укамни ўқишга берди. Ҳар доим қийналиб пулсиз қолганимизда ким ҳам ёрдам беради, дейсиз. Фақатгина онам. Бир тийинга зор бўлиб қолган тақдирда ҳам қайнота-қайнонамга билдирмай, ўз онамдан пул олиб рўзгор тебратиб турганман.

Шунча жанжаллардан сўнг ҳам ўғлимнинг қандай эканлигини қайнона-қайнотамга айтмаганман, ўғлингиз ундай, мени бундай ҳақоратлайди, деб таъна қилмаганман. Барибир, ўз ўғлини ҳеч ҳам ёмон демайди.

Оилада эркак ишламаса, рўзгорни тебратиш албатта қийин. Эркак киши уйда ўтирса-ю, аёл киши ҳам рўзгор ишлари, ҳам касби бўйича пул топиб келса...

Шу тарзда икки йил ўтди. Оиламизда Дилшоджон туғилди. Фарзандимнинг туғилишини сабрсизлик билан кутсам-да, лекин бир томондан ҳеч нарсани ўзгартира олмади. Энди фақат ўғлимнинг тақдири, келажаги ҳақида кўпроқ қайғурардим.

Ўғил ота изидан бориши аниқ, лекин буни асло истамас эдим. Энди фарзандимга бериладиган нафақа пулини ҳам талаб қилиб, ичиб келадиган бўлди. Ташвиш янада ошиб борар, онамнинг уйига пул сўраб тез-тез бориб турадиган бўлиб қолдим. Пулсиз қолган кунларимиз албатта кўнгилсиз воқеалар бўлар, уриб-тепишга ҳам борар эди. Беш йил шундай ўтди. Худо эримга инсоф бермади. Охири ҳаммаси жонимга теги. Сизга тегиб бир кун ҳам тинч, осойишта яшаганимни эслай олмаيمان, десам, кет, йўқол, ўғлимни ташлада, кетавер. Мен сени ялиниб олиб келмаганман, сени онанг ялиниб-ёлвориб берган, деб дўппослаб кетди. Мени онам ялиниб бериб, ожизмидан ёки бўлмаса бирор марта ёмон йўлга юрмаган бўлсам. Бир кам дунё экан, Дилшоджонимни ўйлайман.

Айтганини қилиб, ўғлимни олиб қўлиб, мени онамникига ҳайдаб юборди. Бир йил ўтди, лекин орқадан на қайнота-қайнонам, на бир ёстикқа бош қўйиб, беш йил бирга яшаган эрим излаб келди. Ҳар куни кеча-кундуз ўғлимни ўйлайман, соғинаман, эркалаб, суйиб, бағримга босиб, дунёнинг барча ташвишларин унутиб, яшагим келади.

Унинг келажаги ҳақида ўқинаман, ўзга, ўғай она қўлига бериб қўйишдан, ҳаёт ташвишлари билан ҳеч қачон қизиқиб яшамаган ота бағрида нафас олаётганини ўйласам, ўзимни ҳеч қачон кечира олмаётгандай сезаман.

Ҳаёлларим ҳар қаерга етаклайди. Ханузгача умидли дунёга умид кўзлари билан боқиб келаялман. Уғлини ёмон деб билмаган қайнота-қайнонам: "Келинимизни онаси юбормаяпти. Уз қўлида олиб ёрдам бериб туришини айтибди", — деб гап тарқатибди. Тўғри, тухмату бўҳтонларга сукут билан жавоб бериш марднинг иши.

Баъзан айтиб қолишади: "Бойлик бахт бўла олмади" деб. Йўқ, бахтли ҳаёт кечириб учун бойлик ҳам керак экан. Мен ўз ҳаётимни кўриб айтаялман".

**Дано ОТАКУЛОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## ХИТОЙ ДЕВОРИ ТАРИХИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?



Шарқий Осиёда жойлашган Хитой давлати нафақат дунёда аҳолиси сони бўйича, балки тарихий обидаларининг кўплиги билан

ҳам машҳурдир. Худди ана шундай тарихий ёдгорликлардан бири — Буюк Хитой девори эраимиздан аввалги III асрда Чин императори

томонидан қурила бошланган. Ииллар ўтган сайин Чойлар сулоласи айнан мана шу деворни узайишига сабабчи бўлганлар.


Девор Шимолий Хитой бўйлаб қарийб 6400 км.га чўзилган. Унинг қурилишига сабаб эса душманлардан сақланиш эди. Буюк Хитой деворининг пастки қисми 12,2 метр, юқориси эса 10,7 метр

энлиликка эга бўлиб, баландлиги 15 метрдан ортиқроқдир. Унинг ичи эса майда шағал тошлар билан тўлдирилган. Ҳозирги кунга келиб бу девор қошидан саёҳатчиларнинг кети узилмаяпти ва Хитой давлати бюджетига сайёҳликдан тушадиган асосий маблағни Буюк Хитой девори қопламакда.

**Рустам ТОҒАЙМУРОД**

## БОШҚОТИРМА

**ЭНИГА:** 1. Рассомлик санъати соҳаси. 4. XVIII асрда яшаб ўтган ўзбек шоири, "Иброҳим Адҳам" дostonи муаллифи. 10. Бозордаги бир хил маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконлар қатори. 11. Сайроқи куш. 12. Буг, газ ёки сув энергиясини механик энергияга айлантирувчи двигатель. 13. Кулчилик иншооти. 16. Пахта териш машинаси қисми. 20. Хуқуқ масалаларидан маслаҳатчи мутахассис. 24. Тригонометрик функция. 25. Чопқир зотли от. 26. Масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ишонтириш. 27. Қимматбаҳо садаф, мунчоқ. 29. Улкан илон. 31. Ёқутисдондаги дарё. 33. Аёллар исми. 35. Қора денгиз бўйидаги шаҳар. 37. Расм тури. 40. Литвадаги порт шаҳар. 42. Мусиқа асари ижроси суръатини аниқ белгилашга имкон берувчи асбоб. 47. Таълим ва тарбия берувчи. 49. Тун қапалаги. 50. Универсал кўчма электр ўлчов асбоби. 51. Инерт газ. 55. Шифобахш чўл гиёҳи. 58. Тафаккур қонунлари илми. 61. Оқ рангли, нодир металл. 62. Попада боқиладиган от. 63. Миллий таом. 64. Абхазиядаги шифобахш, дам олиш маскани. 65. Ўқотар қурол тури.



**БҮЙИГА:** 2. Кўчат тупини сийраклаштириб экиш. 3. Баъзи тури қимматбаҳо тош, маъдан. 5. Африка шарқидаги давлат. 6. Савдо маскани. 7. Тошкентдаги кўн, спорт буюмларини ишлаб чиқариш корхонаси. 8. Мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири, буюк ватандошимиз. 9. Вагон бўлмаси. 13. Аҳолиси энг кўп мамлакат. 14. Альп тоғларидаги чўққи. 15. Одра дарёсининг немисча номи. 17. Сўздаги товушлардан бирининг кучлироқ ифодаси. 18. Спортчилар гуруҳи. 19. Микдорни ифодаловчи ёзув. 20. Ҳарбий хизматчи. 21. Аҳдида турувчи, содиқ. 22. Канада фарбидаги шаҳар. 23. Чехия автомобили русуми. 28. Металлургия ва қотишмалар ишлаб чиқариш ашёси, қаттиқ, кулранг металл. 30. Заминдаги биринчи инсон. 32. Эркакларнинг энг паст, йўғон овози. 34. Волида. 36. Ҳашарот. 37. Ҳажвий-бадий асар тури. 38. Кўтара савдо муомаласи. 39. Маълум дастурга оид мусиқа санъати ижроси. 41. Илдизи қандолатчиликда ишлатиладиган ўсимлик. 43. Маъмурий-худудий бўлинма. 44. Италия таркибидаги орол. 45. Катта варрак. 46. Тикув машинаси ғалтаги. 48. Нарсанинг ҳар бир бўлаги. 52. Энг юқори натижа. 53. Деворий сурат, нақш. 54. Ўзбек кўшиқчи шоири, журналист. 56. Баъзи давлатларда олий давлат ҳокимияти органи. 57. Автомобиллар пойгаси. 59. Қадимий физик ўлчов бирлиги. 60. Пилла қурти ҳосили, тола.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ**

**Turkiston**  
МУАССИСА:

«КАМОЛОТ. ЕШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ»

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга тошириш вақти — 21.00  
Тоширилди 21.00  
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган.  
Қороз бичими А-3.

**Бош муҳаррир:**  
Салим АШУРОВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖУРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислоҳ ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҚОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

**Вилоят мухбирлари:**

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37622 — 3-53-88

Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-365 — 223-37-44

Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-3672 — 24-02-86

Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-3732 — 24-54-61

Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36922 — 6-10-70

Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-3662 — 34-43-89

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-36222 — 6-50-55

Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Ғ. — 556. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида теришти ва саҳифаланди

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: 133-95-97,  
Реклама бўлими:  
(3712) 133-79-69

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади.

**Навбатчи муҳаррир:**  
Воҳид БОЙМУРОДОВ

**Саҳифаловчи:**  
Нодирбек ОРТИҚОВ